БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№73 (218) 2018 йил 18 сентябрь, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## Чора-тадбирлар белгиланди

Жорий йилнинг август-сентябрь ойларида Олий Мажлис Сенати Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳрининг барча туманлари маҳаллий Кенгашларининг қўшма мажлислари ўтказилиб, уларда пойтахт туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, бўш турган бино-иншоотлардан самарали фойдаланиш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, шунингдек, куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан масъул вазирлик ва идоралар, секторлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилган эди.

Миллий матбуот марказида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг брифингида бу ҳақда батафсил тўхталиб ўтилди.

Маълумки, Президентнинг 2018 йил 17 августдаги «Тошкент шаҳрида бошқарувнинг алоҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида»ги фармонига мувофиқ Олий Мажлис Сенати зиммасига халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашларига маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини амалга ошириш бўйича ҳар томонлама кўмаклашиш ҳамда пойтахт туманларидаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда улар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш бўйича тегишли вазифалар юклатилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Тошкент шаҳрида доимий аҳоли сони 2,5 миллиондан зиёдни ташкил этмоқда. Улардан 1,1 миллион нафари иш билан банд аҳоли, қарийб 99 мингги ишсизлар, 90 мингдан ортиқ киши меҳнат мигрантларидир. Шунингдек, деярли 39 минг киши жорий йилда меҳнат бозорига биринчи марта кириб келган ёшлардир. Шаҳар бўйича потенциал ишсизлик даражаси 20 фоизни ташкил этади.

Ишсизликнинг сабаблари қуйидагича изоҳланмоқда. Биринчидан, аҳолининг аксарият қисми тадбиркорлик соҳасида, жумладан, ажратилаётган кредит маблағларини ўзлаштириш ҳамда оддий молия ҳисоботларини юритиш бўйича етарлича билим ва кўникмаларга эга эмас. Иккинчидан, кўплаб ишсиз фуқаролар меҳнат бозорида эҳтиёж юқори бўлган касблар бўйича талабга жавоб бермайди. Шунингдек, аксарият аҳоли асосан савдо-сотиқ билан шуғулланиб келмоқда. Ишсиз фуқароларни касбга қайта тайёрлаш ишлари меҳнат бозори талабларига мос тарзда ташкил этилмаяпти.

(Давоми 2-бетда)

## Халқаро пресс-клуб: минтақа транспорт йўлаклари тизимида стратегик истиқболлар

Транспорт-логистика, транзит соҳаси бўйича ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири. Бу нафақат мамлакатимиз иқтисодий имкониятларини юксалтириш, балки Марказий Осиёни ягона минтақа сифатида ривожлантиришни кўзда тутади. Шу мақсадда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ушбу жараён учун қулай сиёсий муҳит яратиш, минтақадаги мамлакатлар билан барча йўналишларда изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш учун мулоқот майдони яратиш борасида кенг кўламдаги ишлар бажарилмоқда.

Жорий йилнинг 20-21 сентябрь кунлари Тошкентда ўтказиладиган «Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида: стратегик истиқболлар ва фойдаланилмаган имкониятлар» мавзуидаги халқаро конференция мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлар сирасидан.

Халқаро пресс-клубнинг 17 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги сессияси ҳам ушбу халқаро конференцияга бағишланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси Абдураҳмон Абдувалиев, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ раисининг биринчи ўринбосари Фазлиддин Сагдуллаев, Ўзбекистон Автомобиль транспорти агентлиги бошлиғи Даврон Деҳқонов, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Умид Ҳусанов, Ташқи савдо вазирлиги масъул ходими Азизбек Салоҳиддинов, шунингдек, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, Марказий Осиё, хусусан, мамлакатимизнинг транспорт-транзит салоҳияти Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жанубни ўзаро боғловчи геостратегик жойлашуви билан белгиланади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан миллий транспорт тармоғини ривожлантириш соҳасида халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берувчи яхлит комплекс стратегияни ишлаб чиқиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур ёндашув мамлакатимизни халқаро транспорт тизимига кенг интеграция қилишни таъминлаш, минтақа мамлакатларини жаҳон бозорлари билан ўзаро боғловчи яхлит хабга айлантиришни кўзда тутади.

Транспорт инфратузилмасини ривожлантириш иқтисодий секторларни жадал ҳаракатлантиришнинг муҳим омилидир. Шу мақсадда юртимизда «2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури» қабул қилинди.

Ушбу дастур Марказий Осиёда қўшимча юк ташиш оқимларини жалб этиш имконини берувчи янги йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш, минтақа транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароит яратишнинг самарали услубларини шакллантириш имконини беради.

Сессия йиғилишида Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақаси ва Хитой, Европа Иттифоқи, Россия, Кавказдан Ҳинд океани портларига чиқиш йўналишлари бўйича халқаро транзит юк ташишда иштирок этиш имкониятлари ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Ўмон янги транспорт йўлагини яратиш лойиҳалари ҳақида маълумот берилди.

Журналистларнинг Марказий Осиёни Жануб билан боғлайдиган транзит йўлаклари хавфсизлиги, ҳаво, автомобиль, темир йўлларида қўшни мамлакатлар ҳудудлари бўйлаб транзит юк ташишга бўлган ягона тарифларни қўллаш тартиби, ўтадиган халқаро конференциянинг Марказий Осиё давлатларини халқаро транспорт хабига айлантириш борасидаги амалий аҳамиятига оид саволларига мутасаддилар жавоб қайтарди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Ислоҳот

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда бошқа соҳалар каби халқ таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш борасида кенг ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларига ўз хоҳишига мос тарзда мактабларнинг 10-синфида ёки академик лицей ва коллежларда ўқишни давом эттириш имконияти яратилди.










## Хусусий мактаблар сони кўпаймоқда

Бундан ташқари, 2017 йил 15 сентябрда Президентимизнинг «Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3276-сонли, 2018 йил 5 сентябрида эса «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сонли қарорлари қабул қилинди.

ПҚ-3276-сонли қарорга кўра, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларининг 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахслар томонидан мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар, нодавлат таълим хизматлари кўрсатишни лицензия асосида амалга ошириш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилди.

Ўз навбатида, мазкур ҳужжатда нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантиришнинг асосий йўналиш ва вазифалари этиб:

– иқтидорли болалар ва истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш орқали таълим-тарбиянинг юқори сифатини таъминлайдиган қулай шарт-шароитлар яратиш;

– соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун анъанавий таълим хизматлари билан бир қаторда сифатли ва оммабоп таълим олишнинг муқобил имкониятларини яратадиган пуллик таълим хизматлари кўрсатиш бозорини жадал ривожлантириш;

– илғор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари, услублари ҳамда замонавий технологияларидан фойдаланиш асосида таълим соҳасидаги самарадорлик ва натижавийликни ошириш кабилар белгиланганини қайд этилди.

(Давоми 4-бетда)

## Халқимизнинг асрий орзулари ушалмоқда

Ҳар бир киши дунёда шинам ва замонавий уй-жойларда яшашни, ўз севган меҳнат фаолияти билан шуғулланишни, фарзандларининг комил инсон бўлиб етишишини, хуллас, турмуши ҳар тарафлама фаровон бўлишини истайди. Юртдошларимизнинг ана шундай улуғвор мақсадларини рўёбга чиқариш йўлида мамлакатимизда изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларининг қабул қилингани фикримизни тасдиқлайди.

«Обод қишлоқ дастури тўғрисида»ги фармонга мувофиқ, жорий йилда ҳар бир тумандаги 2 тадан қишлоқда, кейинги йилдан бошлаб эса 3 тадан қишлоқда кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши белгилаб қўйилган бўлса, «Обод маҳалла» дастури доирасида жорий йилда ҳар бир шаҳарда камида 2 тадан ва 2022 йилгача ҳар йили камида 3 тадан маҳалла қиёфаси тубдан янгиланиши белгиланган.

Яна бир эътиборли жиҳати, мазкур дастурларнинг оғишмай бажарилишини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан жамоатчилик назорати институтидан самарали фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилди.

Ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Жорий йилнинг 14-15 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзолари томонидан мазкур дастурнинг Навоий вилоятидаги бажарилиш ҳолати ўрганилди.

Хусусан, «Обод қишлоқ» дастури доирасида вилоятнинг 8 та ҳудудида 16 та қишлоқда белгиланган ишлар режа асосида амалга ошириб келинмоқда. Бунёдкорлик жараёнларини жадаллик билан ва ўз муддатида бажариш мақсадида «Қизилқумцемент» АЖ томонидан 16 та қишлоқда савдо шохобчалари ташкил қилиниб, қурилиш материаллари бозор нархларига нисбатан арзон нархларда етказиб берилмоқда.

Қишлоқларда шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган 445 та ноқонуний қурилишлар бузилиб, таъмирталаб бўлган 6 446 та уйда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилган.

(Давоми 2-бетда)









Кечқурунлари кўчада чироқ бўлмаган пайтда-ку, плитканинг синиқ парчаларидан сакраб-сакраб юриш осон эмас. Оёғингиз туртилиб-суртилиб, тошнинг қиррасига тегиб қолса, жароҳат олиш ҳам ҳеч гапмас.



Туризм

# Йўл кўрсаткичлар зиёратга элтади

Сурхондарё вилоятида мавжуд тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳларга олиб борувчи йўл бўйларига махсус йўл кўрсаткичлар ўрнатилмоқда.

– Мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор табиати мафтункор, қадимий обидаларга бой жанубий вилоятга хорижлик ва маҳаллий сайёҳлар қизиқишини оширмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи А. Хўжақулов. – Бундай эзгу интилишларга мос равишда уларга қулай шароитлар яратиш учун тарихий обидалар ва муқаддас зиёратгоҳларга элтадиган йўл бўйларига махсус кўрсаткичлар ўрнатмоқдамиз. Ҳозиргача Термиз туманидаги Қирққиз, Султон Саодат, Кокилдор ота, Денов туманидаги Саид Оталиқ, Аловуддин Аттор, Узун туманидаги Оқ остона, Бойсун туманидаги Камари азиз зиёратгоҳлари, Тешиктош ғори каби 30 га яқин тарихий обидаларга олиб борадиган йўл бўйларига уч тилда ёзилган йўл кўрсаткичлар ўрнатилди. Яқин кунларда яна 20 га яқин шундай белги ўрнатишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоят ҳудудида 400 дан ортиқ тарихий, маданий, меъморий обидалар, ноёб археологик қазилмалар мавжуд. Бу воҳада зиёрат туризмини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз жорий йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида воҳанинг туризм салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш бўйича топшириқлар берди. Шунга мувофиқ, вилоятнинг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури қабул қилинди. Унда ҳудуднинг янгиланган, замонавий қиёфасини яратиш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, хориждан ташриф буюраётган сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш каби муҳим масалаларга алоҳида аҳамият берилгани зиёрат туризми имкониятларидан янада унумли фойдаланишга хизмат қилмоқда.

– Сурхондарё муқаддас ислом динини тарғиб қилган ва уни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган Ҳаким Термизий, Исо Термизий каби буюк алломаларни камолга етказган юртдир, – дейди Ўзбекистон мусулмонлари идораси вилоят вакили А. Сайфуддинов ЎзА мухбири Холмўмин Маматрайимов билан суҳбатда. – Гўзал, мафтункор қадимий бу юртда Аловуддин Аттор, Сўфи Оллоёр, Муҳаммад Зоҳид каби кўплаб улуғ зотлар ҳам мангу қўним топган. Зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор самарасида мавжуд муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларни реконструкция қилиш, ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш, белгилар ўрнатиш ишлари янги босқичга кўтарилди.

Вилоятда зиёрат туризми ривожлантирилаётгани бу ерда яшаб ўтган улуғ зотларни ёд этиш, улар ҳақига дуо қилиш ва ибратли ҳаёт йўлларини чуқур ўрганишга қулай муҳит яратмоқда. Буюк аждодларимизнинг ўтмишда ислом дини ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва диний таълимоти билан хорижлик сайёҳларни яқиндан таништиришга хизмат қилаётир. Жумладан, ўтган йили вилоятга хориждан 9 минг 754 сайёҳ келган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 17 минг 578 чет эллик меҳмон воҳанинг тарихий, маданий, меъморий обидалари, ноёб археологик қазилмалари билан танишди. Буюк аждодларимиз мангу қўним топган сўлим масканларни зиёрат қилди.

Кенг ва равон йўл бўйларига махсус йўл кўрсаткичлар ўрнатилаётгани ҳам вилоятга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади.

В Государственном комитете Республики Узбекистан по инвестициям состоялась рабочая встреча под руководством первого заместителя председателя комитета Лазиза Кудратова с консорциумом компаний «Cengiz-Kolin-Kalyon» (Турция) в целях обсуждения реализации проекта строительства автодороги, на принципах государственно-частного партнёрства по маршруту Ташкент – Самарканд.



# Намечается строительство новой автотрассы

## которая свяжет два крупных города республики

В мероприятии также приняли участие специалисты причастных министерств и ведомств, которые будут задействованы в работах по строительству автотрассы нового образца. Так, к примеру, представители министерств сельского хозяйства, строительства, водного хозяйства, Государственного комитета Республики Узбекистан по земельным ресурсам, геодезии, картографии и государственному кадастру, Государственного комитета по автомобильным дорогам и Государственного комитета по геологии и минеральным ресурсам, хокимиятов города Ташкента, Ташкентской, Сырдарьинской и Самаркандской областей, ООО «Йул-Лойиха Бюроси» дали свои комментарии и предложения, которые в дальнейшем будут внесены при подготовке бизнес-плана проекта.

Инвестиционное соглашение по строительству автомобильной дороги, на принципах государственно-частного партнерства совместно с турецким консорциумом «Cengiz-Kolin-Kalyon» вошло в портфель проектов, представленных турецким инвесторам, и было подписано в ходе официального визита Президента Турецкой Республики Реджепа Тайипа Эрдогана в Республику Узбекистан, состоявшегося весной этого года.

Национальным партнёром проекта первой платной автотрассы выступает Государственный комитет Республики Узбекистан по автомобильным дорогам.

Со стороны представителя турецких подрядчиков отмечено, что проект позволит преодолеть расстояние от Ташкента до Самарканда за 2 часа.

В ходе встречи обсуждалось, что необходимо учитывать такие требования при разработке проекта новой автотрассы как: обеспечение прохождения магистрали вдали от жилых районов, минимальное влияние на пастбищные и сельскохозяйственные территории и состояние окружающей среды.

В настоящее время прорабатывается Закон «О государственно-частном партнерстве», который позволит обеспечить законодательный фундамент для проектов подобного рода. Проведение строительных работ по проекту платной магистрали Ташкент – Самарканд намечено на 2019-2020 годы.

**Наш корр.**

# Ўтмишнинг ёрқин кўзгуси



Қўқон маданияти тарихи давлат музейида 1914 йилда тадбиркор Обиджон Маҳмудов илк бор ташкил этган босмахонада Ашурали Зоҳирий муҳаррирлигида чоп этилган «Садои Фарғона» газетаси сақланаётир. Газета Марғилон шаҳрида махсус нафис ипакдан тўқилган оқ, ҳарир шоҳига босилган биринчи сонидир. Қимматбаҳо экспонат орадан 114 йил ўтган бўлса-да, ёрқинлигини йўқотмаган.

«Садои Фарғона»нинг шу кунгача сақланиб қолган сонларини варақлар экансиз, XX аср бошидаги сиёсий, ижтимоий, ахлоқий муҳит ва зиёлилар маънавияти, нуқтаи назари ҳақида тасаввурга эга бўласиз.

Газетанинг илк сони тарихчи олимлар таъкидлашича, 100 та оқ шоҳи мато ва 1500-1700 та қоғозга босиб тарқатилган.

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Урал давлат иқтисодиёт университетида кимлар ўқийди? Бу саволга ҳафта охирида жавоб топиш мумкин.



# Ўзбекистонда бир вақтнинг ўзида икки дипломга эга бўлиш мумкин

«Ёшлик» спорт-соғломлаштириш мажмуасида Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Урал давлат иқтисодиёт университети ҳамкорлигидаги қўшма таълим дастури асосида бакалавриат босқичига ҳужжат топширган абитуриентлар учун тест синови бўлиб ўтди. Натижалар 23 сентябрда эълон қилиниши кутилмоқда.

2018/2019 ўқув йили учун иқтисодиёт (корпоратив иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш), иқтисодиёт (иқтисодиёт ва лойиҳаларни бошқариш), менежмент (кичик бизнесни бошқариш), савдо иши (халқаро тижорат) таълим йўналишларига жами 125 абитуриент талабаликка қабул қилиниши режалаштирилган.

Бир юз йигирма беш ўринга мингга яқин йигит-қиз даъвогарлик қилмоқда.

Мажмуа ҳовлисида ота-оналар учун қулайликлар яратилди. 8 умумий ва 4 мобиль камерада кузатув олиб борилди. Тест жараёни ташқи мониторда кузатиб борилди.

– Ўғлим Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси бўла олмаганидан афсусланаётган эди, – дейди Муҳаббатхон Парпибоева ЎзА мухбири Барно Мелиқулова билан суҳбатда. – Яна бир имконият пайдо бўлганидан хурсандмиз. Ўғлим жиддий синовдан ўтаётганини ҳис қилиб турибди. Ўйлайманки, билимли, салоҳиятли абитуриентлар талабалар сафидан жой олади.

Ўқиш жараёни рус тилида олиб борилади. Математика, хорижий тиллар, жумладан, рус тили ва адабиёти фани бўйича Урал давлат иқтисодиёт университети мутахассислари томонидан тайёрланган тестлар ҳам рус тилида тақдим этилди. Жараён ҳам уларнинг кузатуви остида бўлиб ўтди.

Тест имтиҳонидан ўтганлар жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб Тошкент давлат иқтисодиёт университетида кундузги таълим шаклида тўрт йил ўқийди.

Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги ҳамкорлик асосида очилган мазкур йўналишнинг бакалавриат босқичини тамомлаган талабалар икки университет дипломига эга бўлади.

Фотоайбнома

Хоразм вилоятининг Қўшкўпир тумани марказидаги «Мустақиллик» кўчасида пиёдаларга қулайлик яратишдек эзгу мақсадни кўзлаб, брусчаткали йўлак қурилганида кўпчилик хурсанд бўлгани рост. Топ-тоза, силлиқ йўлакдан юриш кимга ёқмайди, дейсиз...

# Эссиз маблағ, эссиз меҳнат...

Аммо бугунги кунда ушбу йўлакдан юрган кишининг ичи ачийди. Шунча маблағ ва меҳнат эвазига ётқизилган брусчаткалар оёқ тагида синиб, парча-парча ҳолга келган жойлари пиёдалар йўлагининг ўз вақтида сифатсиз таъмирланганини аён қилиб қўйди. Кўп жойларда бордюрларнинг қийшайиб, ўрнидан кўчиб кетиши натижасида плиткалар ҳам кўпчиб, остидан нуқул қум оёққа ўралашади. Кечқурунлари кўчада чироқ бўлмаган пайтда-ку, плитканинг синиқ парчаларидан сакраб-сакраб юриш осон эмас. Оёғингиз туртилиб-суртилиб, тошнинг қиррасига тегиб қолса, жароҳат олиш ҳам ҳеч гапмас.



Қисқаси, шундоққина қумнинг устига ётқизилган брусчаткалар «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида териб чиқилган кўринади. Тўғри, тротуардан ҳамма юради. У ҳамманики. Аммо уни тузатган идора, ташкилотнинг масъулияти қаерда қолди? Наҳотки, уни таъмирлашни зиммасига олган мутасаддилар қурилишга оид оддий шартларни инобатга олишмаган бўлишса? Яъни қум устида ҳар қандай тош ҳам сирпанишини билишмаса?! Уни ушлаб турадиган, зичлайдиган цемент маҳсулоти ишлатилмаган ёхуд меъёрида қўлланилмаган бўлса, бундай таъмирлашдан кимга наф?

Ушбу суратни кўриб, вазиятга ўзингиз баҳо беришингиз мумкин.

**Меҳрибон ИСМОИЛОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Хусусий мактаблар сони кўпаймоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тижорат банкларига мактабгача ва умумий ўрта таълим соҳасида нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахсларга бошланғич маблағни шакллантириш, бино ва иншоотларни сотиб олиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, замонавий ўқув жиҳозлари ҳамда ўқитиш воситаларини сотиб олиш учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган ставкада имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилди.

Шунингдек, ПҚ-3931-сонли қарорга мувофиқ, ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган ҳамда нодавлат умумтаълим муассасаларини жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун олиб кириладиган замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, ўқув ва илмий-методик адабиётлар, инвентарь ва моддий-техника ресурслари 2025 йилгача божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғим бундан мустасно) озод қилинадиган бўлди.

Эътиборлиси, ана шу қарорларга мувофиқ яратилган имкониятлардан вилоятларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар.

Сўзимиз исботи сифатида янги ўқув йили бошида Жиззах шаҳрининг ўзида иккита «Asia School» ва «Jizzakh international school» хусусий мактаблари очилганини айтиб ўтиш мумкин.

– Энг илғор таълим услублари асосида математика, инглиз ва немис тилларини чуқур ўқитишга ихтисослашган мактабимизда дарс ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, – дейди «Asia School» хусусий мактаби директори Асилбек Убайдуллаев. – Биринчи ўқув йилида мактабимизнинг 1-, 2- ва 3-синфларига 200 ўқувчи қабул қилинди. Ўқувчиларга асосий фанлардан ташқари уларнинг қизиқишига қараб шахмат, мусиқа, тасвирий санъат, гимнастика тўгаракларида машғулотлар ўтилади. Мактабнинг синф хоналари, ошхона, спорт зали замонавий жиҳозланган. Дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни юқори савияда ташкил этиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Тижорат банкининг 250 миллион сўмлик кредити кўмагида барпо этилган «Jizzakh international school» хусусий мактабида ҳам барча қулайликлар яратилган. Таълим муассасасига малакали мутахассислар синов йўли билан танлаб олинди. Ҳар бир синф хонаси ўқувчилар учун якка тартибдаги стол-стуллар, электрон доска ва бошқа ўқув-кўргазмали воситалар билан жиҳозланди.

– Муассасамизда энг илғор таълим услублари орқали аниқ фанлар ва инглиз тилини ўргатиш, таълим бериш жараёнида замонавий технологияларни, ривожланган мамлакатлар таълим дастурларини жорий этиш имконияти мавжуд, – дейди мактаб директори Фотима Абдуллаева. – Бу йил 1-синфга – 72, 2-, 3-, 4- ва 5-синфларнинг ҳар бирига 24 нафардан ўқувчи қабул қилинди.

Ўқувчиларнинг овқатланиши, айниқса, бўш вақтида мактаб ичкарисида ҳордиқ чиқариши, спорт билан шуғулланиши, тадбирлар ўтказиши учун барча шароитлар бор. Мактаб шифокори ўқувчиларнинг саломатлигини доимий назорат қилиб боради. Ўқувчиларга уч маҳал иссиқ овқат берилади.

Хусусий мактабларнинг очилишига бағишланган тадбирларда иштирок этган ота-оналар, вилоят, шаҳар ҳокимликлари ва жамоатчилиги вакиллари мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, соҳада хусусий секторга кенг ўрин берилаётгани таълим сифати ва самарадорлигини янада юксалтиришга хизмат қилаётганини эътироф этдилар.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шуҳратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдумуталлиб Ўктамов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Дилфуза Хабибова

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш-лойиҳалаш институтлари

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 244-21-71, (котибият) 244-05-15 (факс), 244-15-13, (бухгалтерия) 244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 244-21-71, 244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: (90) 278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: (90) 720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: (93) 466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: (95) 560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-907.
2267 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов
Навбатчи – Т. Турсунов

ЎзА якуни – 23.15. Топширилди – 23.45.

1 2 3 5 6